ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 йил чиқиши

№ 173 (3145).

4 сентябрь ШАНБА 1965 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЗАВОДЛАР, ПУНКТЛАР СОЗ ИШЛАСИН

Областимизнинг бепоён пахта далаларида фидокорона меҳнат қизғин давом этаяпти. Қўли гул, лафзи ҳалол пахтакорларимиз бу йил она-Ватанга 315 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини ҳадя қилиш иштиёқида туну-кун ишламоқдалар.

Йиғим-терим кампаниясини пухта ва соз ўтказиш, бунинг учун лозим бўлган ҳамма нарсаларни, айниқса пахта тозалаш заводлари ва пахта тайёрлаш пунктларини тахт қилиб қўйиш гоят муҳим вазифадир. Чунки, не-не машаққатлар билан етиштирилган «оқ олтин»нинг ўз вақтида йиғиштириб олиниши ва давлат омборларига топширилиши кўп жиҳатдан тайёрлаш ташкилотларининг ишига, уларнинг бу кампанияга қандай тайёргарлик кўрганликларига боғлиқ. Тайёрлаш тармоқлари янги ҳосилни қабул қилишга қанчалик пухта ҳозирлик кўрган бўлса, иш шунчалик енгил кўчади. Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларида меҳнатни намунали ташкил этиш, мавжуд машина ва механизмлар қувватидан унумли фойдаланиш, кадрларни пухта тайёрлаш пахта тайёрлаш суръатининг юксак бўлишини таъминлайди.

Тайёрлов ташкилотларининг коллективлари пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларини янги мавсумга тахт қилиш юзасидан анчагина ишлар қилдилар. Кўпгина машина-механизмлар, агрегатлар, капитал ремонтдан чиқарилди, модернизация қилинди, унумдорлиги оширилди. Бир қанча тайёрлаш пунктларининг территорияси кенгайтирилди, ака-ука Биковлар системасидаги барабанлар ўрнатилди, мавжуд қуритиш-тозалаш цехларининг қувватини ошириш бўйича ишлар олиб бориляпти. Кўпчилик тайёрлаш пунктларида тошу тарозилар, ёнғинга қарши фойдаланадиган асбоблар ҳозирланди. Кадрлар тайёрлаш, янги бунтлар учун суналар қуриш, эскиларини ремонт қилиш ишлари тугалланди.

Бўка, Янгийўл пахта тозалаш заводларида, уларга қарашли кўпчилик тайёрлов пунктларида янги «оқ олтин» ҳосилини қабул қилишга пухта тайёргарлик кўрилган. Уларда лаборатория асбоб-ускуналари, мавжуд машина-механизмлар, бунтлар учун майдончалар сифатли ремонтдан чиқарилди. Товароведлар, лаборатория ходимлари, слесарлар, электрчилар ва бошқа мутахассислар етарли. Бу корхона ва пунктларнинг коллективлари илғор иш усулларини ёйиш, прогрессив технологияни жорий қилиш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширдилар, бир қанча янги асбоб-ускуналар ўрнатдилар.

Пахта йиғим-терими оммавий суратда бошланиб кетганлигига қарамай, айрим пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларида ҳали ҳам тайёргарлик ишлари тугатилмаган. Тошкент пахта тозалаш заводи тайёрлов пунктларидаги аҳвол айниқса ташвишлидир. Киров, Қибрай, Янгибозор пахта тайёрлаш пунктлари раҳбарларининг янги ҳосилни қабул қилишга пухта тайёргарлик кўрмаганликлари ҳозирнинг ўзидаёқ кўзга ташланяпти. Колхоз ва совхозлардан келтирилган дастлабки «оқ олтин» тонналарини қабул қилишда қатор қийинчиликлар содир бўлаяпти. Пунктларнинг мудирлари Хожиқулов, Тошқораев, Тошхўжаев ўртоқлар бу муҳим масалага ўз вақтида етарли эътибор беришмаган, панжа орасидан қарашган, «бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар» қабилида иш тутганлар. Пунктлардаги механизмлар шу вақтгача тўла ремонтдан чиқарилмаган, торозилар бир соат ишласа икки соат бузилиб етади, пахта бунтлари учун янги суналар қуриш ҳамон тугалланмаган, мавжудларини ремонт қилиш, пункт территориясини асфальтлаш охирига етказилмаган. Лаборатория приборлари ҳам етарли эмас. Орадан бироз вақт ўтгач пунктларга келадиган «оқ олтин» оқими янада кўпаяди, ўшанда ҳозирги аҳвол ҳам ҳеч гап бўлмай қолади, янада кўпроқ қийинчиликлар туғилиши аниқ. Пунктларнинг раҳбарлари шуни ҳисобга олиб, содир бўлган камчиликларни тезда бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўришлари керак.

Умуман олганда областимиз тайёрлаш пунктларида пахта бунтлари учун янги майдончалар қуриш, мавжудларини ремонт қилишда катта камчиликлар бор. Бу иш кўпчилик пунктларда белгиланган графикдан орқада қолаяпти. Масалан, ремонт қилиниши лозим бўлган 864 та майдончадан шу вақтгача 500 тага етар-етмаси қўлдан чиқарилган. Қурилиши мўлжалланган 153 та янги майдончадан энди 100 тачаси тахт қилинган. Пахта бунтлари учун майдончаларнинг етишмаслиги «оқ олтин»ни бир меёрда қабул қилиш ва яхши сақлашда қийинчиликлар туғдириши турган гап. Далварзин, Бекобод пахта тозалаш заводларининг раҳбарлари ҳам буни яхши билишади. Аммо шунга қарамай, бу соҳадаги ишларнинг тез ва сифатли бўлишини таъминлаш учун улар зарур чоралар кўришмаётир.

Пахта тайёрлаш ташкилотлари фаолиятида бошқа камчиликлар ҳам йўқ эмас. Пунктлар территорияларини асфальтлаш тугалланганича йўқ. Омборлар томини шуваш, тузатиш лозим даражада авж олдирилган эмас. Чиноз ва Пискент пахта тозалаш заводларида худди шундай бўлмоқда. Брезентларни ремонт қилиш графиги ҳам бажарилмаётир. 3553 та ремонт талаб брезентдан икки мингта яқини ремонт қилинди.

Қатор тайёрлаш пунктлари мутахассис кадрлар билан етарли таъминланмаган, айниқса товароведлар, лаборантлар, слесарлар, электриклар ва бошқа касб эгалари етишмайди. Область «Заготхлопколуб» трести ва пахта тозалаш заводларининг раҳбарлари кадрларни қайта тайёрлаш ва асосий касбларга ўргатишга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Планга мувофиқ 975 киши қайта тайёрланиши ва касб ўрганиши лозим эди, амалда фақатгина 258 киши тайёрланди, холос. Тайёрлов пунктларининг турли хил бинокорлик материаллари билан етарли таъминланмаётганлиги ҳам ремонт ишлари суръатининг ошишига тўсқинлик қилмоқда.

Бу камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини кўриш керак. Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларини кенгайтириш, барча янги асбоб-ускуналар ва машина-механизмларни ўрнатишни қисқа муддатда тугатиш зарур. Жойлардаги партия, совет ташкилотлари, хўжалик органлари барча моддий-техникавий ва ишчи кучи ресурсларини ана шу мақсад учун сафарбар этишлари лозим.

Шунга эришайликки, янги пахта ҳосили барча пунктларда тез ва соз кабул қилинсин. Бирон машина ёки прицеп, бирон колхозчи ёки совхоз ходими пунктда соатлаб навбат кутиб қолмасин. Бу эса пахта тайёрловчиларнинг ғайратига, ишни пухта ва оператив ташкил этишига боғлиқ.



Хўжаликларда терилган «оқ олтин»лар тайёрлов пунктларига пешма-пеш жўнатилиб турибди. Алимкент пахта тайёрлаш пункти бу йил хўжаликлардан 12 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олади. Ҳозир бу ерга ҳосилнинг дастлабки тонналари кела бошлади. Суратда: қабул қилинган пахталар ғарам қилинмоқда.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети хўжаликларда пахта йиғим-терими даврида социалистик мусобақани уюштириш, меҳнатнинг энг прогрессив формаларини ташкил этиш ва ҳақ тўлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Область партия комитети шуни таъкидладики, область ва район, колхоз ва совхозларнинг партия, совет, касаба союз ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органларининг энг муҳим вазифаси бу йилги ҳосил йиғим-теримини қисқа муддатда ўтказиш, қўл терими ва машина теримида меҳнатни тўғри ташкил этиш, теріладиган пахтанинг юқори сифатли бўлишига эришишдан иборатдир.

Область партия комитети пахта терими илғорларини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга қарор қилди:

— Пахта теримида ва давлатга юқори сифатли пахта топширишда юксак кўрсатгичларга эришган илғор район, илғор колхоз ва илғор совхозга ҳар ўн кунда бериш учун область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқлари таъсис этилсин;

— район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига юксак кўрсаткичларга эришган совхознинг илғор бўлими ва илғор звеноларга ҳар ўн кунда бериш учун район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроқларини таъсис этиш тавсия қилинсин;

— область Ҳурмат тахтаси таъсис этилсин. Унга давлатга пахта сотиш планини 5-10 октябрдан кечиктирмасдан бажаришга эришган районлар, колхозлар ва совхозлар ҳамда уларнинг раҳбарлари фамилияларини, шунингдек пахта тайёрлаш планини 1—5 октябргача бажарган бригада ва звеноларнинг фамилиялари ёзиб борилсин;

— давлатга пахта сотиш планини 5 октябрга қадар бажарган колхоз ва совхозларга илғор пахтакорларга сотиш учун биттадан енгил автомашина ва коляскали мотоцикл ажратилсин;

— областнинг «Пахта байрами» қишлоқ хўжалиги йилининг охирида, давлатга пахта сотиш планини областда биринчи бўлиб бажарган районда ўтказилсин.

„ОҚ ОЛТИН" КАРВОНЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ

Кеча Янгийўл ва Чиноза пахта қизил карвонларининг ташкил этилиши катта бир тўй — тантанага айланиб кетди. Мўл ҳосил етиштириш иштиёқида бутун ёз бўйи тер тўкиб меҳнат қилган деҳқонлар ўз меҳнатларининг меваси бўлган «оқ олтин»ни карвонга юклаб, тайёрлов пунктига келтиргандарида уларни мингларча кишилар чин юракдан қутладилар. Шу куни райондаги Охунбобоев номли, «Қизил Октябрь», Карл Маркс номли, Ҳамроқул Турсунқулов номли, Ленин номли, Калинин номли колхозлар ҳамда «Халқобод» комбинати давлатга 200 тоннага яқин пахта топширди. 51 минг тонналик улкан хирмон уйишга бел боғлаган янгийўллик пахтакорлар йиғим-терим суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар.

БЕКОБОД

Бекобод районининг меҳнаткашлари ҳам пахта қизил карвонининг тантаналарига шерик бўлдилар. Тайёрлов пунктларининг ходимлари Ленин номли, Дзержинский номли, Навоий номли, «Победа» ва «Коммунизм» колхозларидан юборилган қизил карвонлардан 85 тонна юқори сифатли «оқ олтин» қабул қилиб олдилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1965 ЙИЛ 3 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
Оржоникидзе	0,79	2,79
Бўка	0,32	1,41
Ўрта Чирчиқ	0,43	0,79
Юқори Чирчиқ	0,60	0,75
Оққўрғон	0,15	0,33
Бекобод	—	—
Калинин	—	—
Янгийўл	—	—
Область бўйича	0,23	0,64

ПАХТА ПИШДИ, КАРВОН КЕЛДИ, УЛАР ҲАМОН УЙҚУДА

Шу кеча-кундузда Оржоникидзе районининг белоён пахтазорларида бўлган киши жўшқин ҳаёт, қайноқ меҳнатнинг гувоҳи бўлади. Минглаб опа-сингиллар, ака-укалар, олиҳиммат ота-оналар орзу-умид билан, яхши ният билан далаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ пахта териш, ўзларининг пешона терлари, юракларининг меҳрлари билан бунёд этилган «оқ олтин»нинг бирор граммини ҳам нобуд қилмай, ёғин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олиш учун чинакам курашаётирлар.

Шундай. Олтин зар ортилган машина ва прицеплар карвони қабул пунктлари томон бетиним йўл олаяпти. Пахта териш ва топшириш суръати кундан-кунга ошиб бораяпти. Хўш, деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнати меваси тарозига тушадиган шу долзарб кунларда райондаги қабул пунктлари деҳқонларга қандай хизмат қилаяпти, пухта тайёргарлик кўрилганми, ҳозир тўла шайланган ҳол да уюшқоқлик билан ишга киришилганми? Шу савол ҳаммани қизиқтиради.

Мана, биз Охунбобоев номли пахта тозалаш заводига қарашли Киров номли пунктдамиз. Бу пунктга райондаги «Маданият». Киров номли ва «Коммунист» колхозлари ўз дурдоналарини топширади.

Соат кундузи 12 ларга яқинлашган эди. Дарбоза олдида пахта ортган машиналар қатор турибди. «Маданият» колхозининг аъзолари Алим Соатов, Жаврилқон Согинтоев ўртоқларнинг фиғони фалакка чиққан. Биз улар билан саломлашиб, бироз суҳбатлашганимиздан кейин воқеа маълум бўлди.

— Ҳар куни аҳволимиз шу, — дейди ўртоқ Соатов, — пахтамизни қачон топшириб, қачон қайтар эканмиз, деб икки-уч соатлаб кутиб турамиз. Мана бугун ҳам пунктнинг вақтинча мудири, старший товаровед Омон Алиевнинг дараги йўқ. Икки соат бурун овқатга кетганича келмаяпти.

— Айниқса биринчи кундаги аҳволни айтмайсизми, — Соатовнинг фикрини қувватлаб деди Согинтоев. — шоду-хуррамлик билан қизил карвон қилиб келдигу, кечаси соат бир-иккигача пахтамизни топшириб улгуролмадик. Транспортёрлар гоҳ бузилиб қолса, гоҳ электр токи бўлмай тўхтаб туради. Ахир бу транспортёрлар аллақачон ремонт қилинганку, деб ўйларсизлар. Йўқ, сиртини боплаб бўяшибди-ю, юрагига ҳафсала билан қўл уриб кўришмабди.

Бироздан кейин пунктнинг старший товароведи ўртоқ О. Алиев келиб колди. суҳбатлашдик. У бизга пунктни мавсумга тайёрлашда қўлга киритилган ютуқлар ҳақида узоқ гапирди. 13 та майдон, 9 та транспортёр, 3 та ПЛ-12, ПТХ-20 маркали механизмлар, тарозилар ҳаммаси тайёр эканлигини айтди.

Пункт ичкарисини айланганимизда ҳали мақташдан аввал танқид қилиниши лозим бўлган нуқсонлар борлиги аниқланди. Чиндан ҳам транспортёрлар сифатсиз ремонт қилинган. Тез-тез бузилиб туради. Бунт майдонлари устига тўкилган тош-шағаллар орасидан ажриқ ўтлар ўсиб чиққан. Бу ахир «оқ олтин»ни ифлос қилмайдими, пахтакорлар меҳнатини қадрсизлаш эмасми, ўртоқ Алиев?

Асфальт ётқизилиши лозим бўлган уч гектар майдон, пунктга олиб келадиган бир чақиримча катта йўл ўнқир-чўнқир бўлиб машиналар юрганда чанги осмонга кўтарилаяпти.

— Бу ишни бажариш учун бизда маблағ йўқ, — лоқайдлик билан жавоб беради старший товаровед. — 1-пахта заводи раҳбарлари тўғрилаймиз, деб ваъда беришганига 2—3 йилдан ошди. Натижа йўқ.

Бизнингча буни баҳона деб бўлмайди. Бола йиғламаса она сут бермайди, деганларидек пункт раҳбарларида ҳафсала, ишчанлик, ташкилотчилик бўлганида бундай аҳвол юз бермаган бўлар эди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, пункт ходимлари, ишчилари ўртасида интизом яхши йўлга қўйилмаган. Бунга ҳам асосан раҳбарлар айбдор. Нега? Чунки биринчидан, талабчанлик йўқ, иккинчидан, ишчи ва хизматчиларга тўла иш шароити яратиб берилмаган. Бу ерда сув камчил. Бунинг устига на ошхона, на чойхона, на озиқ-овқат магазини бор. Буфет ишламайди. Оқибатда, ишчи ва хизматчилар шаҳар ошхонасига ёки Шрейдер номли узумчилик ва боғдорчилик институти ошхонасига қатнашга мажбур бўлиб, қимматли вақтларини беҳуда ўтказаяптилар.

Тўғри, қулай маданий-маиший шароит яратилмаганлигига биринчи навбатда Киров сельпоси раҳбарлари эътиборсизлик билан қараётган бўлсалар, иккинчи навбатда қабул пункти раҳбарлари ҳам ўзи бўларчилик йўлига ўтиб олганлар.

Киров номли пахта пунктининг раҳбарлари (мудири Х. Хожиқулов, старший товаровед О. Алиев, цехком Л. Шокина ўртоқлар), шуни унутманг, шу кунларда-ку район колхозлари бир ярим процент атрофида пахта топширишаяпти, яқин кунларда шундай долзарб палла келадики, «зангори кема»лар ҳам ишга тушади. кунига 4—5 процентдан пахта тайёрланади. Демак ҳозир шу қадар шошилиб қолаётган эканслар, кейинроқ бориб пахтакорларнинг талабларига жавоб беролмайсизларку! Шундай экан дарҳол нуқсонларни бартараф қилиш учун чинакам курашмоқ керак.

Шу куни райондаги Қибрай пахта пунктида ҳам бўлдик. Пункт бу йил колхозлардан 6000 тонна «оқ олтин» қабул қилиши керак. Мажбурият эса 8000 тонна.

Тўғри, янги ҳосилни қабул қилиш учун пунктни тайёрлашда бирмунча ишлар қилинган. 16 та транспортёр сифатли ремонтдан чиққан. Айтишларига қараганда кунига 3—3,5 процент миқдорида пахта қабул қилиш имконияти бор. Лекин ютуқлар ўзимизники, ҳамма гап нуқсонларни тугатиш устида кетаяпти. Пунктда 25 та бунт майдони бўлиб, шундан фақат биттасигина асфальтланган. Қолганларига тош-шағал тўкилган, холос. Бундан ташқари пункт территориясининг 5000 квадрат метр майдони бу йил асфальтланиши лозим эди. Бунга ҳам эътибор берилмаганлиги сабабли тупроқ, тош, гишт парчалари уюлиб ётибди. Бу албатта пахтанинг сифатига салбий таъсир қилади.

Пунктда ўтган йили 2 та тарози бор эди. Унинг биттаси ёз ойида сабабсиз бузиб ташланган. Биз пункт мудири ўртоқ Абдулла Тошқораевдан шу ҳақда сўраганимизда у:

— Мен, яқиндагина ишга келганман, тарозини қуришга энди киришдик, — дейди.

Ахир шу ҳам гап бўлдими. Пахта карвонлари турна қатор бўлиб келиб турган бир паллада наҳотки ҳалигача тарози қурилмаган бўлса?!

Ҳар иккала пункт раҳбарлари пахтани қабул қилиш ишларини тўблан яхшилашлари, тарозилар транспортёрлар ва бошқа механизмларнинг бетўхтов ишлаб туришини таъминлашлари, лабораториялар ишларини яхши йўлга қўйишлари керак.

Агар бунт майдонлари етарли бўлса, яхши асфальтланган бўлса, ишчи ва хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулай шароитлар яратиб берилса, иш унумли бўлаверади, пахта карвонлари навбат кутиб тўхтаб қолмайди, деҳқонларнинг пахта пунктлари раҳбарларидан талаблари ана шу!

У. ЖОНГИТОВ,
М. ИБРОҲИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Н. ҚАЮМОВ,
қишлоқ мухбирлар постининг аъзоси.

Табассум қилиб турган бу қизларни колхозда ким танимайди, дейсиз. Уларнинг ҳалол меҳнатлари кўпчиликни ҳурсанд қилаяпти. Бу уч қиз Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг меҳнатсевар аъзолари ҳисобланади. Улар дастлабки кундан бошлаб пахта териш нормаларини икки бараварга етказиб бажариш учун ҳаракат қилишиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Суратда: Сожида Эсонбоева, Қуйсун Турсунбоева ва Фарида Абдаметова ўртоқлар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Руминия Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси Москвада

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош Секретари ўртоқ Николае Чаушеску бошчилигидаги Руминия Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан расмий визит билан 3 сентябрда Совет Иттифоқига келди.

Москваликлар румин халқининг вакилларини қардошларча самимият билан кутиб олдилар.

Руминия Социалистик Республикаси ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Николае Чаушескуни ва делегация аъзоларини Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов ўртоқлар, СССР Министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди. Руминия билан Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску дўстона нутқ сўзладилар.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1965 йил 3 сентябрь № 250 Москва шаҳри

Белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни СССР Қуролли Кучлари сафидан бўшатиш ҳақида ва ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириқ тўғрисида

Умумий мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонунга мувофиқ буюраман:

1. Қонунда белгиланган ҳарбий хизмат муддатларини ўтаб бўлган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналар Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Мазкур буйруқнинг 1-моддасида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар бўшатилиши муносабати билан, 1946 йилда туғилган, имтиёз олиш ва чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлматан гражданлар, шунингдек чақириқ ёшида бўлган, чақириқни кечиктириш муддати тугаган ва тенгдошлари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафига ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

3. Ушбу буйруқ ҳамма роталар, батареялар, эскадрильялар ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ.

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР ЮКСАК САВИЯДА БЎЛСИН

Юқори Чирчиқ районидаги „Правда“ колхози партия ташкилотининг йиғим-терим даври учун белгилаган тадбирлари

Далаларда иш ҳар қачонгидан ҳам қизиб кетди. Эрта баҳордан то шу кунгача тиним билмай ҳар туп ғўзани ардоқлаб ўстирган миришкор деҳкон бугун ўз меҳнати самараси — «оқ олтин»ни териб олмоқда. Ана шундай долзарб кунларда пахтакорлар тўғрисида, уларнинг унумли меҳнат қилиши, маданий дам олиши, дала шийпонларида кўнгилли ҳордиқ чиқариши тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий вазифалардан биридир.

Бу жиҳатдан Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози партия ташкилоти белгилаган ва амалга ошираётган тадбирлар диққатга сазовор. Булар нималардан иборат?

Агитатор — янгилик жарчиси, дала меҳнаткашларини дунё воқеалари, қишлоқ хўжалиги фани ва ютуқлари, илғорлар тажрибасига оид янгиликлардан ўз вақтида хабардор қилиб турувчи, кишиларнинг куч ва ғайратини унумли меҳнатга сафарбар этувчи фигурадир. Шу-нинг учун ҳам колхоз партия ташкилоти ишни агитколлективнинг составини қайта кўриб чиқишдан бошлади. Агитколлектив сиёсий етук коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, қишлоқ зиёлилари ҳисобига кенгайтирилди. Ҳар бир далачилик бригадаси, агрегатлар ва алоҳида группа бўлиб ишловчи кишиларга агитаторлар бириктилди. Агитаторларнинг иш планлари дала шийпонларига осиб кўйилган, агар сиз амалга оширилаётган тадбирлар билан танишмоқчи бўлсангиз, марҳамат, кундалик ҳисоб дафтарини варақлаб кўринг, унда агитаторлар томонидан қилинаётган ишлар тартиб билан акс эттириб қўйилади.

Йиғим-терим даврида агитаторларнинг ролини янада кучайтиришда вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган семинарларнинг роли катта бўлади. Колхоз партия ташкилоти бу соҳада ҳам қатъий план асосида иш олиб бормоқда. Ҳозиргача агитаторлар билан бир марта семинар ўтказилди. Семинарда колхоз партия комитетининг секретари Г. Югай «Йиғим-терим даврида агит-коллективнинг вазифалари», агроном В. Ким «Саноатга аъло сифатли хомашё керак» деган темаларда доклад қилдилар.

Агитаторларнинг бундан кейинги ҳар ўн беш кунда бир марта ўтказиладиган семинарларининг ҳам қизиқарли, мазмунли бўлиши, колхоз ҳаётига оид актуал масалаларнинг муҳокама қилиниши учун пухта тайёргарлик кўрилади. Бунинг учун ишлаб чиқариш илғорлари, қишлоқ зиёлилари семинар ишига жалб этилади. Жумладан, мактаб директори А. Цой «КПСС — коммунистик қурилишнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси», колхоз раиси И. Цой «Бизнинг колхоз келгуси бешйилликда» деган темаларда доклад қиладилар.

Ҳар ҳафтанинг душанбасида агитаторлар куни ўтказилади. Шу куни агитаторлар йиғилиб, колхоз бошланғич партия ташкилоти ва правление аъзолари иштирокида ўзларининг бир ҳафта давомида қилган ишларига якун ясайдилар. Ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар бўлса ўртага ташлайдилар, кўплашиб бир маслаҳатга келадилар. Агитаторлар ки марта, ҳар беш кунда бир марта ва кунига чиқариладиган деворий газета, «Жанговар барака» ва «Яшин»ларда асосан йиғим-теримнинг ташкил этилиши, социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши, пахта нобудгарчилигига йўл қўймаслик, илғорлар иш усулларини тарғиб қилиш масалаларига эътибор берилади.

Ҳар ҳафтанинг якунида илғор бригадага кўчма Қизил байроқ ва энг яхши механик-ҳайдовчига вимпель топшириб турилади.

Йиғим-терим даврида далада ишлаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасининг юксак бўлиши учун курашилади.

Ҳар бир дала шийпонида радиоточка ва радиоприёмник, кўчма кутубхона бор. Спорт майдончалари, музика асбоблари пахтакорлар хизматида. Газета ва журналларнинг янги сонлари тартиб билан тахлаб кўйилади.

Дала шийпонлари кўргазмали агитация билан безатилган. Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси тексти, республика, область, район, колхоз пахтакорларининг бу йилги социалистик мажбуриятлари каттакатта ҳарфлар билан ёзиб, кўринарли жойга осиб кўйилган.

Бу ерда пахтакорлар учун ҳамма зарур шароит яратиб берилади. Шийпон рўпарасида душ ишлаб туради. Дам олиш пайтида колхозчиларга, албатта, иссиқ овқат қилиб берилади. Энг зарур товарлар билан савдо қилувчи кўчма лареклар ишлаб туради. Мавсумий болалар майдончалари яхшилаб жиҳозланиб, керакли инвентарлар билан таъмин этилади.

Колхозчиларга бевосита дала шийпонида хизмат кўрсатиш учун агитбригада ташкил этилган бўлиб, унинг составига бадиий ҳаваскорлик тўғараги коллективи ҳам киритилган. Ҳар беш кунда дала шийпонида кинофильм намойиш қилинади.

Бундан ташқари дала шийпонлари аптечкалар билан таъмин этилган, медицина пунктлари жамоатчилик асосида ишлаб туради.

Колхоз партия комитети томонидан белгиланган ана шу сингари тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан бошланди.

Донгдор бинокор А. П. Нагорний раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари Чилонзор кўркини очишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу массив қурилишида иш лай бошлаганларидан бери ўнлаб кўп қаватли уй-жойларни қўлдан чиқаришди улар. Қурувчилар 153-трестга қарашли 2-қурилиш бош қармаси бригадалари ўртасидаги ўзаро мусобақада пешқадамлар сафида боришяпти. Суратда: бригада аъзоларидан (чапдан) В. Вълев, А. Нагорний (бригада бошлиғи), М. Нурматов, Т. Усмонов, М. Муслимов, Ю. Бекжонов ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИЛИК ОШИҚЛАРИ

Тиниб-тинчимас, ҳар доим ижодий изланишда бўладиган, ишлаб чиқаришнинг кемтик жойларини бартараф этиш ҳақида тинмай қайғурадиган новаторлар бўлинма темирйўлчилари эришаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қўли гул, ақли теран рационализатор ва ихтирочилар томонидан яратилган турли-туман аппаратлар, мосламалар, янгиликлар бўлинма коллективининг оғирини енгил қилмоқда, меҳнатига барака киритмоқда, иш шароитини яхшиланти.

Янгилик ошиқлари эндиликда фақатгина унумли ишлаш билан чеклашмаяпти, янги-янги ихтиролар ва таклифлар билан чиқишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб билмоқдалар. Ҳа, давр талаби ҳам худди шундай. Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун умумхалқ кураши боратёган ҳозирги вақтда меҳнатга ижодий тарзда ёндошиш, ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган барча имкониятларни қидириб топиш ва ишга солиш ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг муқаддас бурчи бўлиб қолди.

Ана шуни дилга жо қилган темирйўлчи новаторлар ҳам жуда кўп янгиликларни кашф қилишди. Улар қўли билан яратилган рихталаш приборлари ва машиналари йўл дистанциясида фойдаланилмоқда. Локомотив, вагон деполарида улар меҳнати самараси — турли хил ювиш машиналари ишлаб турибди. Тошкент вагон депоси ва Қизил тўқимачи станциясидаги гидравлик аммортизаторларни синаб кўриш стендини ҳам тиниб-тинчимаслар ихтиро қилишган. Бундан ташқари Тошкент вагон депосида золдирли подшипникларни пресслочи портатив гидропресс, Тошкент станциясидаги йўл билетларини компостирловчи курилма, автоматик юк сақлаш камераси ва бошқа шу каби ўнлаб ихтиролар ҳам рационализаторлар ишланиши маҳсулидир.

Тошкент темир йўл бўлинмасида бу йил ҳам рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенгайтириш, бу ҳайрли ишга янги-янги кишиларни жалб қилиш юзасидан жуда кўп тадбирлар амалга оширилди. Барча коллективларда рационализаторлар билан ишлашнинг аҳволи вақтч-вақти билан текшириб турилди. Рационализаторларнинг ўзаро мусобақаси йўлга қўйилди. Бўлимнинг жуда кўп корхона ва станцияларида улар учун темалар тўплами чиқарилди.

Жойларда ташкил этилган жамоатчи конструкторлик бюролари ҳам новаторларга яқиндан ёрдам бериб келди. Тошкент локомотив депосида махсус рационализаторлар хонаси ташкил этилди. Бу хона зарур адабиётлар, справочниклар, лойиҳалар чизиш учун зарур бўлган барча асбоблар билан тўла таъминланди. Бундай ва шунга ўхшаш тадбирларнинг кўрилиши шу йилнинг биринчи ярмида бўлимда янгилик изловчилар ҳаракатини анча жонлантиришга олиб келди. Натижада тиниб-тинчимаслар етти йилликнинг охирги йили учун ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга эришмоқдалар.

Ҳозирги вақтда бўлим рационализаторлари сафида 450 дан ортиқ кўши бор. Улар шу йилнинг биринчи ярмида 584 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари билан чиқишди. Шуниси қувончлики, бу таклифларнинг 501 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Ижодий изланиш самараси бўлган бу таклифлар жуда катта давлат маблағини тежаб қолиш имконини беради. 273 таклиф юзасидан қилинган дастлабки ҳисоблар шуни кўрсатадики, бундан бўлима коллективи 203 минг сўмлик иқтисодий фойда олар экан. Тиниб-тинчимаслар эл-юрт олдида берилган аҳдларининг уддасидан чиқишди: мажбуриятдагига қараганда 96 та таклиф кўп жорий қилинди, 60 минг сўмлик кўп маблағ тежаб қолинди.

Қатор рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари патентлаштирилди, уларнинг авторларига гувоҳномалар берилди. А. Арутюнов, Н. Авдеев, А. Троицкий ўртоқлардан иборат авторлар коллективи йийилган деталларни қайта тиклаш усулини ўйлаб топди. Бу таклиф Тошкент тепловоз депосида амалга оширилди. Натижада илгари бекорга ташлаб юборилаётган қатор деталларни қайтадан фойдаланиш имкони туғилди.

Бўлинма корхоналарида бундан бошқа жуда кўп қимматли таклифлар амалга оширилган. Тошкент тепловоз депосида ЭДМУ-13 ва 6 дистанцион приборларнинг гидравлик системасини деталларга ажратиш ва қайта йиғиш учун махсус мослама фойдаланилятти. Уни инженерлардан В. Гудков ва М. Дронов ўртоқлар яратишган. Ана шу мослама билан ишдан чиққан датчиклар қайта тикланмоқда. Унинг эвазига депо ҳар йили бир неча минг сўмлик фойда олади. Депо мастери К. Обидов ва слесарь И. Рябец ўртоқлар яратган мослама ҳам диққатга сазовордир. Уни кўлланиш дизель поездларидаги аккумулятор батареяларининг ишқор элементларини бўглаш суръатини тўрт баравар оширди. Бу эса ҳар йили минг сўмга яқин маблағ тежаш имконини беради. Шу ўртоқлар яна бир оғир иш жараёнини енгиллаштириш имконини берадиган мослама ихтиро қилишди. Бу мослама ТЭП-10 тепловозларининг аккумулятор батареяларини жойлаш ва ўрнатишни бекиёс осонлаштирди.

Тошкент сигнализация ва алоқа дистанциясининг тиниб-тинчимасларидан В. Кудашев, В. Голиков, А. Сахаров ўртоқлар дистанция ишини яхшилашга қаратилган жуда муҳим бир тадбир билан чиқишди. Бу таклиф ҳар йили 17 минг 671 сўмлик фойда келтиради.

Бўлинма корхоналари ва станцияларида ажойиб рационализаторлар етишиб чиқди. Уларнинг ҳар бири бир нечтадан таклиф авторларидир. Тошкент тепловоз депосининг старший мастери А. Абдуллаев, мастер М. Каримов, старший электромеханик А. Бибаев, старший мастер А. Арутюнов ва бошқалар энг яхши новаторлар ҳисобланади.

Лекин бу билан Тошкент темир йўл бўлинмасида янгилик изловчилар билан ишлашда ҳеч қандай камчилик йўқ экан деган хулосага келиш мумкин эмас, албатта. Бу соҳада фойдаланилмаётган резервлар ҳали анчагина бор. Жумладан тиниб-тинчимаслар билан ишлаш барча корхона ва станцияларда яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди, уларда бу муҳим ишга етарли эътибор берилмаяпти, унинг қадрига етилмаяпти. Айрим ҳоллларда таклифлар кечикиб амалга оширилади, ўз вақтида кўриб чиқилмайди. Ана шундай камчиликларни йўқотиш Тошкент темир йўл бўлинмасида новаторлар ҳаракатини янада авж олдиришга ёрдам беради ва албатта.

А. КОМИССАРОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

СТАНЦИЯ БУНЁД ЭТУВЧИЛАР

Нишаб стволдан, кучли транспортер орқали кўмир дарёси оқиб келмоқда. Бу дарё навларга ажратувчи установкаанинг элагига қуйилиб турибди. Ҳар хил барабан ва сим тўрлардан иборат бўлган бу элаклар қулоқни қоматга келтириб ишламоқда. Майда элакдан пастга тушаётган кўмир лента орқали қум шакардай ялтираб складга кетяпти. Складда тоғдай уюлиб турган кўмирни эса экскаватор вагонларга юкламоқда.

Йирик кўмирлар юқори галерея орқали бункерларга бориб тушаяпти. Бункерлар тагида турган состав кўмирга лиқ тўлган. Унинг электровози юкчилар сигнали билан узоқларга йўл олади. Унинг ўрнини янги состав эгаллайди. Станцияга келаётган ва ундан «қора олтин» олиб чиқиб кетаётган поездларнинг кети узилмайди.

...Бундай станция ҳозирча ишга тушгани йўқ. У, энди қурилмоқда. Ҳозирча бу ерда кўмир склади, навларга ажратиш ва техника комплекси қад кўтараётир. Бу ишларни бажаришда капитал қурилиши бошқармасининг ўртоқ Мустафо Сари бошчилигидаги комплекс бригадаси ишчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Бу ерда, айниқса монтажчи слесарь Александр Федерер, пайвандчилардан Ҳайдар Алимов, Федор Карабейников, монтажчи Борис Осмондиёров ўртоқлар ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатиб ишлашаяпти. Улар кунлик нормани 125 процентга етказиб, ишнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашяпти. Бетончилар ҳам чакки ишлашмаяпти. Улар станцияни бунёд этаётган бинокорлар ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Жўра Қўзиев, Саъдулла Хабибуллин ўртоқлар раҳбарлигидаги бетончи бригадаларнинг меҳнати тақдирга сазовордир. Улар тахта қолипларини 4-5 қайта ишлатиб, ёғоч материалларни кўплаб тежаб қолмоқдалар.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.
Оҳангарон шаҳри.

Оққўрғон район марказида янги китоб магазини очилди. Китобхонлар бу ерда истаган темаларидаги адабиётлар, брошюралар ва бошқа китобларни ҳамда ўқув қуролларини харид қила оладилар. Суратда: янги китоб магазинида савдо пайти.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

АРХИТЕКТУРА УСТАХОНАСИДАН РЕПОРТАЖ

ЛЕНИН МАЙДОНИНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

ЛЕНИН МАЙДОНИ — ТОШКЕНТНИНГ ЮРАГИ ● ҚАДИМИЙ МАЙДОННИНГ ЯНГИ КУНИ ● БАЛАНД БИНОЛАР ҚАД КЎТАРМОҚДА ● СОДДАЛИКНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ ● ЯШИЛ КЎЛ

□ □ □

Тошкентдаги Ленин майдонида, йўлбошчи ҳайкалининг ўнг ва чап томонида, иккита жуда баланд бино қад кўтарди. Бу бинолар Ҳукумат уйининг биноси билан бирга ажойиб архитектура ансамблини ташкил қиладн. Шу бинолларнинг оқ деворлари майдонни қоплаб ётган, шарққа, жанубга, ғарбга кенг бульвар — кўчалар бўйлаб ёйилиб кетган яшил-денгизнинг соҳиллари деса бўлади.

Эртаги Тошкентнинг бош майдонини мен бугун «Ташгипрогор»да кўрдим. Институтнинг бош архитекторлари Леон Тигранович Адамов ана шу майдоннинг макетини кўрсатиб, мени майдонда «саёҳат» қилдирди.

Бу саёҳатни кеча — лойиҳа тузилиб, макетлар ясалаётган вақтда ҳам ўтказиш мумкин эди. Лекин бу хусусда бугун — лойиҳаларнинг ҳаммаси кўрилиб, тасдиқланиб бўлганидан кейин ҳикоя қилиб бериш ўринли бўлади. Шаҳар бунёдкорларининг режалари энди амалга оширила бошлади.

Ленин майдонининг икки томонидан янги бинолар қуриш учун жойлар тозаланаётганлигини сиз, газетхон дўстларимиз кўрган бўлсангиз керак. Мана шу жойда. Тошкентнинг қоқ марказида, тўзиб ётган эски бинолар бизга мерос бўлиб қолган эди.

Шу бинолардан асар ҳам қолмаслигини гапириб ўтириш керакмикан — янги қурилган иморатларнинг пойдеворн учун қазилаётган чуқурларнинг бўйи олиб ташланган иморатларнинг бўйидан бир неча баравар баланд, чунки олиб ташланган иморатларнинг биттаси ҳам бир қаватдан ошиқ эмас эди. Шундай бўлса ҳам майдоннинг илгариги қиёфаси фотографияларда, экранда сақлаб қолиш керак. Шу бинолар икки-уч йилдан кейин олинадиган фотосуратлар ва фильмлар олдида қай ҳолатда кўринишини тасаввур қила оласизми?!

Ўнг томонда қуриладиган бино, 20 қаватли бўлади. Бу — Совет Шарқидаги энг баланд гражданлик иншоотидир. Зилзилага бардош берадиган қўшимча яхлит конструкциялар билан биргаликда қурилган йиғма темир бетон каркасига енгил бетонлардан ясалган кенг панеллар қийнтирилади.

Аслини олганда, бинолар иккитадир. Икки бинони бир-бирига туташтириб турган корпусларни кўраяпсизми, лифтлар, вестибюллар мана шу корпусларда жойлаштирилган. Бу иншоотга тепадан қарасангиз, у худди «Н» ҳарфига ўхшаб кўринади.

Архитекторлар буни олифтагарчилик учун ўйлаб чиқарганлари йўқ. Бинонинг формаси, қиёфаси аниқ талабларга бўйсундирилган — бу иншоот бақувват ва чидамли, чиройли ва арзон, фойдаланиш учун ўнғай бўлиши лозим. Конструктив элементлар, планировка схемалари кўп марталаб такрорланадиган мана шундай катта бинода ҳамма проблемаларни тўғри ҳал қилиш айниқса муҳим.

Хизмат хоналари бинонинг фақат фасадлари бўйлаб жойлаштирилган бўлиб, бу хоналарнинг деразалари шимолга ёки жанубга очилади. Ўрта Осиё шароитида деразаларнинг шимолга ёки жанубга қараганлиги жуда ўнғай бўлади, шу туфайли хонанинг ичи айниқса ёруқ бўлади, аммо қуёшнинг жазирама нурлари хонанинг ичига тушмайди. Алюминий ва бетондан ясалган ва қуёш нурини тўсадиган махсус мосламалар ҳам бунга ёрдам беради. Бу мосламалар бинонинг бошидан охиригача ясалган, иморатнинг жанубий фасадида эса яна жимжима панжарали кўндаланг мосламалар ҳам кўзга ташланади.

Бу бинода ҳеч бир деталь, ҳеч бир элемент фақат ҳусн бўлиш вазифасинигина бажариш билан қиёфаланмаслиги керак. Мисол учун вестибюль тепасидаги козирёкни кўрсатиб ўтайлик. Бу козирёк мажлислар ўтказиладиган кичик залнинг амфитеатридир. 800 кишилик бошқа бир зал бош корпусдан бироз четроқда турибди. Бу бино Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашининг топшириғи билан қурилмоқда. Чап томондаги иккинчи бино республика Қурилиш министрлиги учун қурилмоқда. Бўйи 170 метрли бу етти қаватли бино тўғрисида ҳам гапириб ўтиш керак.

Бу бинони жуда одатдан ташқари бино деса бўлади. Бу бинода қаватлар деган сўз тўла тушунча бермайди. Бино бўйининг учдан икки қисмида биринчи қават йўқ. Одатдаги деворлар ўрнини минг тонналик конструкцияларни кўтариб турган тиргаклар босади. Бу ҳам архитекторларнинг ўйлаб чиқарган олифтагарчилиги эмас — бу тиргаклар машиналар турадиган кенг шийпонинг устуналаридир.

Лойиҳаловчилар гўзалликни ҳам унутганлари йўқ. Миннстрликнинг кўкаламзор ҳовлисидан бинонинг подъезди орқали қарасангиз, майдоннинг ажойиб манзараси кўзга ташланади. Аммо майдон ҳақида кейин гапирамиз. Ҳозир эса бош корпусга туташган 800 ўринли мажлислар залини айтиб ўтиш керак.

Иккита янги бинода учта зал... Кўплик қилмасмикан? Башарти бу заллар фақат мажлислар учун мўлжалланган бўлса, албатта кўплик қилади. Лекин иккита катта залнинг кинотеатрга ҳам, концерт залига ҳам айлантириш мумкин. Кинотеатр ва концерт залларининг бундай қўпайтирилиши тошкентликларнинг ҳаммасига маъқул бўлса керак.

Энди майдон тўғрисида гапирайлик. Владимир Ильич ҳайкали олдидан, намойишчилар ўтадиган йўл нариёғида, кенг кўкаламзор бошланади. Бу кўкаламзор майдон жуда катта шахмат тахтасини эслатади. Майдондаги катаклар шахмат тахтасидагига қараганда анча кўп, лекин бу шаҳарликларнинг дам олиши учун жуда яхши ўнғайлик туғдиради. 9х9 метр кенгликдаги 260 та катакнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида гулзор бўлиб, бетондан ясалган йўлкалар бу катакларни бир-биридан ажратиб туради. Бу йўлкаларда юриб гулзорлар гаштини суриш мумкин. Майдоннинг шарқида эса қатор чинор ва акация дарахтлари соя-салқин солиб туради. Ленин номидаги янги майдон мана шу тариқа олти гектар ерни эгаллайди. Шарққа томон бораверсангиз, сув каскади, ҳовузлар бошланади. Сўнгра сиз Самарканд ва Ленин кўчалари ўртасидаги скверга чиқасиз. Нариоқ борсангиз, ҳозирги Карл Маркс кўчасидан то Революция скверига қадар чўзилиб кетган бульвардан ўтасиз.

Ундан сўнгчи... Бу ҳақда алоҳида гапириш керак. Ундан нариги жойларни Ленин майдонида қурилаётган 20 қаватли бинонинг тепасига чиқиб томоша қилиш яхшироқ. Бу бинонинг тепасидаги кишига шаҳарнинг ҳамма томони яққол кўринади. Яна майдонга қайтайлик. Унинг ансамблига яна бир бино — Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг биноси қўшилади. Бу бино ҳозирги Лоҳутий кўчаси бўйлаб ўтадиган кўкаламзор магистрал ёқасида қурилади. Бутун ансамбль — атрофини ҳукумат бинолари ва маъмурий бинолар ўраб олган майдон, скверлар, Анҳорнинг оромбахш соҳили — 15 гектар ерни эгаллайди.

Москва ва Тошкент архитекторлари, конструкторлари, экономистлари, технологлари, боғ мутахассислари тайёрлаган мана шу бутун комплекснинг лойиҳаси тезкорлик методлари билан амалга оширилади.

Е. ЕФИМОВ.
ЎзТАГ мухбири.

МЕХАНИЗМЛАР—ҚУРИЛИШЛАРГА

Тошкент ремонт-механика заводи коллективини бинокорларимиз ўзларининг энг яқин ёрдамчилари деб биладилар. Чунки корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қурилиш ишларининг механизация даражасини ошириш, у ёки бу объектни барпо этишда индустриал методларнинг кенг қўлланишига яқиндан кўмаклашмоқдалар. Улар қурувчиларга ҳар хил кронштейнлар, трубалар, балкон панжаралари ва бошқа шу каби деталларни кўплаб етказиб бермоқдалар. Ҳар бир уй, ҳар бир янги завод корпуси қурилишида ҳиссаси бор бу аъзоларнинг.

Корхона коллективи фақатгина турли деталлар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмаяпти. Тайёрланаётган маҳсулотлар хили кун сайин кўпайиб бормоқда. Бу ерда. Яқинда қатор бинокорлик ишларини механизациялаш имконини берадиган машиналарнинг тажриба намуналари тайёрланди. Эски кўтарма кранлар модернизация қилина бошлади. Паркет ишларини механизациялаш учун 12 та паркет станоги тайёрланди. Бу станоклар фойдаланилганда ана шу операциянинг бажарилиши икки баравар ва ундан ҳам зиёд тезлашади. Қурилишда фойдаланиладиган қоришма насоси ҳам қайта ускуналанди. У шассига ўрнатилди. Натижада бундай насосларни у ердан бу ерга кўчириш бекиёс енгиллашди.

Машинасозлар бинокорлик ишларида кенг фойдаланиладиган «СБК-1» маркали минора кранларини модернизация қилишга киришдилар. Кран стрелкаси ва миноранинг учи бақувват қилинади. Противовес оғирлаштирилади. Ана шу тадбирлар туфайли модернизацияланган кранинг қуввати уч тоннадан беш тоннагача ошади. Улар йирик панеллардан бинолар қурилишида кенг фойдаланилади. Ўртоқ Ҳамраев раҳбарлигидаги бригада аъзолари бундай агрегатларни модернизациялашни муваффақиятли олиб бораяптилар.

Шу вақтгача обой қоғозларини деворга ёпиштиришни механизациялаш имкони бўлмаётган эди. Ҳозир янги техника тайёрлаш юзасидан тузилган экспериментал бригадада елимни обой қоғозларига суртадиган махсус мослама яратилмоқда.

Корхона коллективи янги техника яратиш юзасидан берилган топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш мақсадида барча имкониятларни ишга солмоқда. Шунинг учун давлат планлари муттасил ортиғи билан адо этиляпти. Шу йилнинг ўтган 8 ойлик топшириғи ҳам муддатидан ўн кун илгари дўндириб қўйилди. Шу кунларда ишчилар ва инженер-техник ходимлар қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақани авж олдиришяпти.

Р. СОБИТОВ.

ЯЙЛОВДА



ЧАМАН-ЧАМАН

Кеча яқиндагина яхлит карталарда универсаллар гуриллаб, гўза қатор ораларига ишлов берилаётган эди. Миришкор сувчилар ўсимликнинг қониб сув ичишини таъминлаш, кўсакларни торози босадиган қилиб етилтириш учун астойдил кураш олиб бораётган эдилар. Эндиликда ана шу фидокорона меҳнатнинг самаралари кўзларни қувонтириб, бутун майдонларда пахталар чаман-чаман бўлиб очилиб берди. Опа-сингиллари, ака-укаларни, қиммати баланд, ота-оналарни ўз бағрига чорламоқда.

Шундай. Коммунист ўртоқ Бўрибой Алибоев бошлиқ бригада аъзолари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан хирмон кўтаришни дилларига жо қилиб олган эдилар. Ана шу яхши ниятга яраша ҳосил бор. Беш-олти кун бўлдики, навбаҳорда ҳафсала билан ерга чигит қадаган деҳқонлар енг шимариб йиғим-теримни бошлаб юборишди.

Утган йили эл хирмонига 7—8 тоннадан «оқ олтин» тўккан опа-сингиллардан Анорхон Товбоева, Эргашбуви Хонинқулова, Холбуви Утаева наби кўпмингкилограммчилар бу йил ҳам бир-бирлари билан мусобақалашиб дастлабки кунларданоқ яхши натижаларга эришмоқдалар. Уларнинг ҳар бири хирмонга 60—70 килограммдан аъло сорт пахта тўкишяпти. Бригадада шу кунгача йиллик планнинг 3 процентидан ортиқроқ миқдорида янги ҳосил топширилди.

Ўртоқ Алибоев бошлиқ бригада билан мусобақадош ўртоқ Қултой Тиловбердиев бригадаси аъзолари ҳам йиғим-терим суръатини кундан-кунга кучайтиришяпти. Бу бригаданинг Розия Нурхонова, Турдиали Алиев, Рисгул Қодирқулова каби теримчилари меҳнатда бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.

Ҳар иккала бригадада 90 гектар ердаги пахта машина теримига ажратилган. Бугун-эрта дефолиацияга киришилади. Бунинг учун химикатлар тайёрланиб, пухта ҳозирлик кўриб қўйилган. Асқар Алибоев, Ҳўроз Хонимқулов, Яхшилик Чинбоев, Қайсар Қувондиқов ўртоқлар «зангори нема»ларини теримга шай қилиб қўйишибди. Улар бўкалик механизаторлар бошлаган ташаббусни яқдиллик билан маъқуллашиб, биз ҳам ўша насбдошларимиз изидан борамиз. Машиналар билан мўлжалдан ошириб пахта териш учун курашамиз, деб айтмоқдалар.

Оққўрғон районидаги «Ленин-обод» колхозининг ана шу пешқадам бригадалари аъзоларига, механизаторларига балли!

Н. ТУФОНОВ.

ТИЛНИ ЁРАДИ

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз деҳқонлари етиштирган «Шакарпалак», «Ананас» қовунларининг ширасн нақ тилингизни ёради. Ҳозир колхоз полизларига борсангиз ажойиб манзара устидан чиқасиз. Ҳар ер—ҳар ерда қовун-тарвуз хирмони ётибди. Мўл ҳосил етиштириш иштиёқида ёз бўйи пешона тери тўкиб меҳнат қилган азамат деҳқонлар қовун-тарвузларни чаққонлик билан узяяптилар. Мавжуд 23 гектар полиздан пландаги 300 тонна ўрнига кам деганда 400 тонна ҳосил кўтаришни кўзлашмоқда.

Ҳосил йиғим-терими да Қосим Абдуллаев ва Муҳаммад Азизтоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари гайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Уларнинг гайрати туфайли ҳар куни шаҳарга 25—30 тоннадан ҳосил жўнатиб турилибди. Колхоз сабзаводчилари бу йил 2300 тонна сабзавот етказиб беришмоқчи.

Н. ҚОДИРОВ.

КПСС МК МАРТ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЧОРВАЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Совхозимиз коллективи КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини изчиллик билан бажариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Ҳар бир ишчи она-Ватанга қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштириб беришга ҳаракат қиляпти.

Биз бутун ишимизни пленум қарорлари талаб қилганча ташкил қилиш учун курашмоқдамиз. Ишчиларнинг гайрат ва ташаббусларини ошириш билан бир қаторда йўл қўйилган хато ҳамда камчиликларни тезроқ тузатиш чораларини кўрдик. Фойдаланмаётган резервларни ишга солдик. Натижада, сабзавот, полиз ва бошқа экинлардан ҳосил етиштириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда кескин бурилиш бўлаётир.

Бизда бажарилган ишнинг сифатига қараб қабул қилиш тўғри йўлга қўйилди. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширган сари ютуқларимиз ҳам кўпаяверди. Буни сут етиштиришдаги ишларимиздан ҳам кўриш мумкин. Биз давлатга гўшт сотиш йиллик планни беш ой олдин муваффақиятли бажаргандан кейин сутни кўпайтиришга зўр бердик. Ой сайин янги-янги ютуқларни қўлга кирита бошладик. Биз ҳар бир молни меҳр билан парвариш қиламиз. Уларнинг озуқасини тўйимли бўлиши учун курашдик. Шу мақсадда чорвачилик фермаси ишчан, ўз касбини севадиган, тажрибали ишчилар ҳисобига мустаҳкамланди. Биз уларнинг ташаббус билан ишлашлари учун барча қулайликларни яратиб бердик. Ғамхўрликни кучайтирдик, молбоқар ва сут соғувчиларга маиший хизмат кўрсатишни яхшиладик. Уй-жой ва бошқа зарур нарсалар билан таъминладик.

Бизда чорвадорларнинг ишлаган кун ва ойларига қараб эмас, балки етиштирган маҳсулотларига қараб ҳақ тўлаш жорий қилинди. Бу эса чорвадорлар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлади, иш унумини кўтарди. Ҳар бир ишчи ўртасида кўп маҳсулот етиштириш юзасидан социалистик мусобақа кучайиб кетди.

Бизда Мария Павловна Гамарани ҳамма ҳурмат қилади. У бунга ҳалол меҳнати туфайли эришмоқда. Мария Павловна бир ойнинг ўзида салкам ўн минг литр сут соғиб олди. Албатта бундай кўп сут соғиб олган соғувчининг иш ҳақи ҳам кам бўлмайди. Унга 125 сўм 58 тийин пул ёзилди. Мария Павловнадан ўрнак олиб ишлаётганлар борган сари кўпаймоқда. Анна Кузминична Тарасенко ҳам илғор сут соғувчилардан ҳисобланади.

Шу кунларда сут соғувчиларимиз ишни бўшаштирмаган ҳолда меҳнат қилишяпти. Тесилме Мустафаева етти ой ичида ҳар бир бош сигирдан 2562 литрдан сут соғиб олди. Мария Кладова, Бекзода Рустомова, Тилла Акимбоевларнинг меҳнатлари ҳам мақтовга сазовор. Улар етти ой ичида ўзларига биркитилган жайдари сигирларни яхши боқишди. Молларнинг сути кўпайди. Пешқадам сут соғувчиларимиз йил охиригача ҳар бир сигирдан камида 2700 литрдан серқаймоқ сут соғиб олиш учун курашяптилар.

Чорвадорларимиз икки йил мобайнида ҳар бир соғин сигирнинг маҳсулодорлигини кескин равишда ошириб, илғор хўжаликларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш учун ҳаракат қилишяпти.

Биз сутни кўпайтириш билан бир қаторда унинг таннархини камайтириш учун ҳам тўхтовсиз ҳаракат қиляпмиз. 1963 йили бир центнер сут етиштириш учун ҳаммаси бўлиб 19 сўм 64 тийин сарфлаган эдик. Ўтган йили эса 18 сўм 60 тийинга тўғри келди. Бу йил янада каттароқ ютуқларни қўлга киритиш ниятидамиз. Етиштирилган бир центнер сут 14 сўм 60 тийиндан ортмайди. Харажат қанчалик камайтирилса даромадимиз шунчалик кўп бўлишини яхши тушунамиз. Айниқса совхозимизнинг ўзида кўп ем-хашак жамғарсак шунчалик чорва маҳсулоти арзон етиштирилади. Шу мақсадда совхозда ем-хашак етиштириш билан шуғулланадиган махсус бригада ташкил қилдик. Бригада транспорт воситалари билан етарли таъминланди. Шу билан бирга хашак ўрадиган, йиғадиган ва гарамлайдиган механизмлар ҳам баркитиб қўйилди.

Ем-хашак тайёрлаш бригадаси аъзолари чорвадорларимиз билан бир қаторда зўр ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Молларимиз боқиладиган Чимён тоғларининг ён бағирларида битмас-туганмас ширали ўтлар ўсади. Биз ана шу ўтларни йиғиштириб пичан ғарам қилмоқдамиз. Бир неча ҳафта ичида ишчиларимиз тоғ ёнбағирларидан ва Ғалабасой қирларидан бир неча юз тонна пичан жамғаришиб қўйишди. Бундан ташқари картошка пояларини тўплаш, шунингдек ариқлар четидаги хашакларни йиғиштириб олиш ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Совхозимизда 108 гектар беда бор. Сентябрь ойида 700 тонна беда тайёрлаб қўйиш учун ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари хўжалигимизда силосбоп маккажўхори ҳам етиштириляпти. Ҳозир 2000 тоннадан знёдроқ силос тайёрлаб қўйдик. Яна минг тонна силос бостирамиз.

Юқорида айтиб ўтилган тадбирларнинг ҳаммаси чорва молларимизнинг қишдан семиз чиқишини сўзсиз таъминлайди.

Коллективимиз хўжаликни ҳар тарафлама мустаҳкамлаб, рентабелли бўлиши учун ҳаракат қилмоқда. Илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириб, етти йиллиннг сўнгги йилини муваффақиятли якунлаш учун барча чораларни кўрамиз.

А. УРМОНОВ.
Ўзбекистон ССР паррандачилик бошқармасига қарашли «Химик» совхозининг директори.

М. РОГОВ,
старший зоотехник.

ЎРТА ЧИРЧИҚДАГИ «Коммунизм» колхозида чорвачилик ҳам хўжаликнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу ерда чорвачилик тез ривожланмоқда. Қўйчилик фермасида айниқса иш яхши. Чўпонлар намунали ишлашиб, қўзилатиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишади. Бу йил ҳам ана шундай бўлди. Ҳар юз совлиқдан 100—110 бошдан қўзи олинди. Жун қирқиш ҳам ёмон бўлмади. Ўртача ҳар бир қўйдан олинган жун 3—3,5 килограммни ташкил қилди. Суратда: сиз ўртоқ Эргаш Олимов бош чўпон бўлган отардаги қўй-қўзиларни кўриб турибсиз. Ўнгда эса бош чўпон Эргаш Олимов ва унинг ёрдамчиси Мурод Умурзоқов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

МЎЛ-КЎЛ

Шаҳар меҳнаткашларига ширин-шакар ноз-неъматлар етказиб беришга бел боғлаган Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхозининг меҳнаткашлари шу кеча-кундузда дастлабки ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу ерда сабзавот тоширишнинг йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Давлатга 140 тонна ўрнига 181 тонна сабзавот етказиб берилиб план 129 процент адо этилди. Бунда Нури Усеннов бошлиқ бригада сабзавотчиларининг ҳиссаси катта. Улар сабзавотэкинларидан ҳар қачонгидан ҳам баракали хирмон кўтардилар.

Совхознинг иккинчи катта ютуғи меванн кўпайтириш планининг анча барвақт адо этилгани бўлди. Эл дастурхонига 880 тонна ширин-шакар мева етказиб берилди. Ўртоқ Юсуф Ёқубов бошчилик қилаётган бригада боғбонлари планни анча ортиғи билан бажарган бўлсалар ҳам, яна кам деганда 30 минг килограмм мева-чева етказиб беришга бел боғладилар. 400 тоннадан ошиқ мева узиб берган Умри Улуғхўжаева бошлиқ бригада боғбонлари эса — эл дастурхонига яна 50 минг килограмм мева тортиқ қилишни кўзлашяпти.

«Қибрай» совхозида етиштирилаётган ноз-неъматлардан пойтахтимиз аҳолисигина эмас Москва, Ленинград, Новосибирск, Хабаровск, Иркутск, Магадан каби шаҳарларнинг аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Ҳозиргача бу шаҳарларнинг меҳнаткашларига 150 тонна узум, 360 тонна мева ва бошқа ноз-неъматлар юборилди.

— Бу эришлаётган ютуқларимиз ҳали биз учун чегара эмас, — дейди совхоз директори ўртоқ М. Оловуддинов, — боғларимиздаги, айниқса ишкомларимиздаги ҳосилни чамалаб кўрсак, ҳали жуда кўп ноз-неъматларимиз бор. Ана шу меваларни сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳозир ҳаммамизнинг диққат марказимизда турибди.

Совхоз соҳибкорлари бу йил салкам 4.5 минг тонна узум етказиб беришга аҳд қилишган. Яқин кунлар ичида ана шу маррага ҳам етиб олинади. Ҳозир ишкомларда олти юз киши узум узиш билан банд. Ҳар куни шаҳарга 55—60 тонна ҳосил жўнатиляпти. Узум узишда М. Тўлаев, А. Мўминов, Р. Мирзахўжаев, Р. Мўминов бошлиқ бригадалари соҳибкорлари пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг бу йилги марраси ҳар гектар токзордан камида 120—152 центнердан узум ҳосили олишдир.

И. РУСТАМОВ.

Озодалик ва саломатлик ойлиги

ЧИРЧИҚ ҲУСНИГА ДОҒ ТУШМАСИН

Чирчиқ ўзининг баҳаволиги, гўзал манзараси билан ажралиб туради. Чирчиқ деганда кўз ўнгимизда ям-яшил бахмал билан ясанган шаҳар намоён бўлади. Чирчиқ деганда — бирн-биридан чиройли, сарвиқомат уй-жойлар, маданий-маиший биноларр, тоза, соя-салқин, равон кўчалар: сайр-гоҳ, хиёбонлар кўз ўнгимизга келади. Шаҳарнинг ана шу ҳусни ярашиб тушган Чирчиқ черёмушкаси — Юбилей поселкасида бўлганмисиз? Шаҳарнинг тангадек офтоб тушмайдиган марказий Ленин ва Совет кўчаларида юрганмисиз? Посёлкани томоша қилиб тўймайсиз, кўчаларида юриб роҳат қиласиз.

Лекин, айрим бефаросат кишиларгина ўзи яшаб турган ана шу шаҳар ҳусниига гард қўндириб келишяпти. Биз шаҳарнинг энг гўзал Октябрь кўчаси бўйлаб борар эканмиз, шаҳар коммунал хўжалиги ва санитария-тозалаш бўлими биноси олдига етганимизда думоққа аллақандай ёқимсиз ҳид урилди. Бенхтиёр ўша томонга бурилдик. Кузларимизга ишонмадик. Наҳотки тозаликнинг мутасаддилари ишлаётган бинонинг олди шунчалик ифлос бўлса. Кўчанинг ўнг қанотида шаҳар коммунал хўжалиги, чап томонида санитария-тозалаш бўлими жойлашган. Ана шу икки бинонинг қоқ ўртасида ахлатлар уюми ҳосил бўлган. Шаҳар санитария-тозалаш бўлимининг бошлиғи ўртоқ И. Илёсов деразадан ана шу манзарани томоша қилиб турганида биз ичкарига кириб бордик.

— Янглишмасак, булар «Горочистка»нинг ихтиёридаги «мулк»лар бўлса керак? — сўрадик ундан ҳазиломуз. Илёсов ўзининг ҳозирги ҳолатидан мулзам тортди шекилли, нима дейишини билолмай, ерга қараганча туриб қолди.

— Таънангиз-ку тўғри, лекин бу чиқиндиларни ўз вақтида ташиб кетиш учун транспортимиз етишмайди. Қўлимизда 21 та автотранспорт бўлса, шундан ҳар куни тўртта-бештаси ишга чиқмайди, ёки йўлда бузилиб, қайтиб келади.

Ўртоқ Илёсовнинг ўз айбини ҳас-пўшлаш учун бу сабаб бўла оладими? Йўқ. Транспорт-ку етишмас экан, шаҳар коммунал хўжалиги ва шаҳар санитария-тозалаш бўлими раҳбарлари шаҳар ҳусниии бузиб турган ана шу доғларни тозалашга жамоатчиликни жалб этдими? Йўқ. Ҳар ким ҳам олдин ўзига боқса, унинг сўзи ҳам таъсирли бўлади. Хўш, ўзи ишлаётган идора атрофини ўз вақтида тозалаб қўя олмаган «Горочистка» шаҳар тозалиги устидан қандай контроллик қиляпти?

Мана, Чирчиқ химкомбинатига қарашли 2- ва 3-уй-жой майдони. Бу ер худди атайлаб ахлатлар ташлаш учун ажратилган майдонга ўхшайди. Ҳовли саҳнидан қовун-тарвуз пўчоқлари, қоғоз парчалари, хуллас ахлатнинг минг хил туридан топса бўлади. Лекин ҳовлини жамоатчилик йўли билан тозалаб, кўкаламзор қилиб қўйиш на шу ерда истикомат қилувчи химкомбинат ишчиларининг ва на комбинат уй-жой коммунал бўлимининг бошлиғи ўртоқ М. Ф. Кулишнинг хаёлига келади.

3-ва 2-уй-жой биносининг комендантлари Е. Вахмина, А. Ф. Зюрин ўртоқлар «ахлатни ташиб кетиш учун «Горочистка» бизга машина ажратмаяпти, ажратса ҳам фақат битта транспорт беради» деб нолишади. Лекин уларнинг ўзлари шу ердан ҳар куни бир неча бор ўтишади. Наҳотки, «Горочистка»нинг ёрдамини кутмай, жамоатчилик кучи билан тозалаб қўйиш иложи бўлмаса. Жойларда, маҳаллаларда, завод ва фабрикаларда «озодалик» ва саломатлик ойлигини» намунали ўтказиш мақсадида шанбаликлар ташкил қилиняпти. Каттадан-кичик бу ҳайрли ишга ўз ҳиссасини қўшяпти. Хўш уларчи? Уй-жой комендантлари Вахмина, Зюрин ва шу участка бўйича санитария-эпидемия станциясининг врачи Черепанова ўртоклар кўпчиликни бу ишга тортиш бизнинг вазифамизга кирмайди, деб юришибди.

Чирчиқ уй-жой коммунал хўжалиги ва санитария тозалаш бўлимининг раҳбарлари, шаҳарнинг ҳусниига доғ туширимг.

А. ШАЙХОВ.

Сут сотиш плани бажарилди

Бекобод районидаги «Чанқ» совхози чорвадорлари катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар давлатга пландаги 79 тонна ўрнига 85 тонна сут сотиб, планни 108 процент бажаришди. Йил охиригача яна 40 тонна сут етказиб бериш мажбуриятини олишди.

С. ЖУРАЕВ.

ХОЗИРГИ вақтда кўпчилик коллектив хўжаликларимизда касаба союз ташкилотлари тузилган. Улар фаол ишлаб, деҳқонларга ғамхўрлик қилишни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозида ҳам касаба союз ташкилоти ишлаб турибди. Шу кунга қадар ташкилот аъзоларининг сони 89 кишига етди. Ташкилот илғор кишилар ҳисобига ўсиб боряпти. Суратда (чапдан ўнгга): маҳаллий комитет раиси Л. Ихлосов союзга янгидан қабул қилинган С. Ражабов, И. Дўстмуҳамедов ўртоқларга касаба союз билетини топширмоқда.

А. Палехов фотоси.

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети СССРдаги барча муассасалар ва ташкилотларга маълум қиладики, 1966 йил Ленин мукофотлари олиш учун топшириладиган асарларни қабул қилиш шу йил 15 октябрда тамомланади. Шу муддатдан кейин тақдим этиладиган ишларнинг ҳаммаси 1967 йилда Ленин мукофотлари олиш учун топириладиган асарлар билан бирга қараб чиқилади.

Топшириладиган асарларни расмийлаштириш тартиби масалалари юзасидан қуйидаги адрес бўйича СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофотлари комитети секретариатига мурожаат қилинсин: Москва. И—51. Неглинная кўчаси, уй номер 29/14.

КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР СЪЕЗДИ

Мамлакат кинематографчилар союзининг биринчи таъсис этувчи съезди шу йил 23—26 ноябрда Москвада ўтказилади. СССР кинематография ходимлари союзи ташкилот комитетининг президиуми 1 сентябрда ана шундай қарор қабул қилди.

Тўрт кун давом этадиган съезднинг иш программасида союз ташкилот комитетининг ранси Л. А. Кулижановнинг «Коммунистик қурилиш ва кино санъатининг вазифалари» тўғрисидаги доклади юзасидан мунозара ўтказиш, киноходимлари союзининг уставини муҳокама этиш ва қабул қилиш, правление билан ревизия комиссиясини сайлаш кўзда тутилди.

Съезд ишида кинематография соҳасидаги ҳамма касбларнинг намояндаларидан 600 га яқин делегат, шунингдек жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келадиган фахрий меҳмонлар қатнашади.

Кино санъати анжумани олдидан совет кинематографиясининг бутун тарихи давомида яратилган энг яхши фильмларнинг фестивали ўтказилади. Съезд арафасидаги ойлар кино усталарининг томошабинлар олдида берадиган ўзига хос ижодий ҳисоботи бўлиб қолади. Шаҳар ва қишлоқларда актерлар, режиссёрлар, кинодраматургларнинг кино шинавандалари билан жуда кўп учрашувлари ўтказилади. (ТАСС).

МЕҲРИБОН ВА ҒАМХЎР

Ҳар доим бўлсин қуёш,
Ҳар доим бўлсин осмон,
Ҳар доим бўлсин онам,
Ҳар доим бўлай мен ҳам...

Ҳаммага севимли ва ёқимли бу қўшиқни колхоз болалар боқчасининг эркатойлари қўйлашарди.

Ҳа, колхоз боқчасида доимо шодлик, бахтиёр ёшликнинг дилрабо қаҳ-қаҳалари аримайди. Карл Маркс номли колхоз марказида жойлашган болалар боқчасида меҳнаткашларнинг 80 дан ошиқ ўғил-қизлари тарбияланадилар. Тарбиячилар кичкинтойларга жуда меҳрибон, уларни жони-дилидан севишади. Шунинг учун бўлса керак, болалар ҳам эрталабданоқ боқча қучоғига ошиқадилар. Тарбиячилардан Ҳ. Худойқулова, Л. Омокова, Қ. Абдураимовалар кичкинтойларни сира эриктиришмайди. Улар болаларга ҳар хил қўшиқлар, ўйинлар ўргатишади, қизиқ-қизиқ китоблар ўқиб беришади.

Ота-оналарнинг кўнгли доимо боладa бўлади, албатта. Лекин, бу колхоздаги болали аёллар ўз фарзандларидан кўнгли тўқ ҳолда меҳнат қилишади. Боқча ходимлари меҳнаткашларнинг фарзандларини ўз боласидай ардоқлаб тарбиялашади. Шунинг учун оналар боқча тарбиячиларидан жуда мунаиатдор бўлишмоқда.

Э. ОТАБОЕВ.
Оққўрғондаги Охунбобоев номли колхоз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Нашрларини маълум қилади

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНДИ

«Узсельхозтехника» Тошкент область бирлашмаси химия бошқармасининг бошлиғи ўртоқ С. Абдурашидов газетамизнинг шу йил 15 август сонида босилган «Бу қандай масъулиятсизлик?» сарлавҳали танқидий мақолага қуйидаги жавобни юборди:

«Узсельхозтехника» область бирлашмасининг «Кучлик» станциясида жойлашган районлараро базасининг иши газетада тўғри танқид қилинган. Ҳақиқатан ҳам хўжаликлар учун келтирилган химиявий дори-дармонлар яхши сақланмаган, исрофгарчиликка йўл қўйилган. Бу камчиликларнинг олдини олиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилди. ДДТ-маркали паста ва цианамид кальций ўзига мос идишларга солиб қўйилди. Мақола база ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинди. Химикатларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва хўжаликларга тезроқ тарқатиш юзасидан қатъий график тузилди. Оққўрғон район ишлаб чиқариш бошқармаси тузган рўйхатга биноан, база культиваторларнинг запас қисмларини колхоз ва совхозларга ўз вақтида тарқатиб турадиган бўлди.

«Узсельхозтехника» Оққўрғон район бирлашмасининг буйруғи билан химикатларни сақлашда камчиликка йўл қўйган шахслар жазоланди. Омбор мудири Хамидовга ишга масъулиятсизлик билан қарагани учун виговор, агроном А. Лига эса, қаттиқ виговор эълон қилинди.

КИМ АЙБДОР?

Бир вақтлари ойнадек тиниқ оқадиган анқорлар, ариқлар, қараганда аксингиз кўринадиган ҳовуз сувлари ҳозир ифлос ва лойқа бўлиб қолди. Хўш, нега шундай?

Куйбишев районидаги Риштон кўчаси бўйлаб кетган ариқнинг аҳволига қараб бўлмайди. Ариқ сувининг кўкариб, ҳидланиб кетишига шу кўчада яшовчи аҳолининг ўзи сабабчи эмасми? Улар ўйларидан чиққан ҳар хил чиқиндиларни ариққа ташлашади. Ариқ сувини ўзлари булғатиб, тагин «Бу Риштон ариғи эмас, сассиқ ариқ» деб таъна қилишгани ортиқча. Уларнинг таъбирича, кўп йиллардан буён кетмон бетини кўрмаган бу ариқни ким тозалаб бериши керак экан? Тўғри, бу ишни район коммунал хўжалиги бажариши керак, лекин уларнинг эсига келмаётган экан, наҳотки жамоатчиликни бу ишга жалб этиб, икки соат ҳашар йўли билан тозалаб қўйишнинг иложи бўлмаса!

Иложи бор. Бунинг учун қуруқ гап эмас, амалий иш қилиш, жамоатчиликни тортиш керак. Ҳв, кўчамиз ва шу территориядан оқувчи ариқларимиз ифлос бўлган экан, бунга фақат ўзимиз айбдор.

С. ЯХИН.

КЕЛАСИ ҲАФТА ЭКРАНИ

Келаси ҳафта душанба кунидан бошлаб пойтахт томошабинларига қуйидаги фильмлар кўрсатилади.

«ОДДИЙ МУЪЖИЗА» кинокомедияси машҳур совет драматурги Е. Шварц пьесаси асосида яратилган. Езувчининг «Қизил шапкача», «Ялонгоч қирол», «Соя», «Аждар» каби пьесалари кўпчиликка таниш. Яқинда эса унинг машҳур «Оддий мўъжиза» эртаги экранлаштирилди. Бу фильм инсон нималарга қодир эканлиги, унинг гўзал қалби, соф муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади. Фильмда соддалик ва мўъжизакорлик, лирика ва сатира бир-бирига боғланиб кетган. Фильм М. Горький номли болалар ва ўсмирлар фильмлари Марказий киностудияси маҳсулотидир.

Аркадий Гайдарнинг ажойиб эртаги асосида яратилган «КИБАЛЬЧИШ — БОЛА ҲАҚИДА ЭРТАК» фильми ёш томошабинларга муносиб совғадир. А. Гайдар асаридаги революцион пафос фильм мазмуни ва ғоясига сингдириб юборилган. Бунда сценарий автори ва постановкачи Евгений Шерстобитовнинг хизмати каттадир. «Кибальчиш — бола ҳақида эртак» фильми ёшларни она-Ватанни севишга, оталаримизнинг шонли традицияларини давом эттиришга ундайди. Фильмдаги бош ролларни мактаб ёшидаги Серёжа Остапенко, Серёжа Тихоновлар ижро этишган.

...Денгиз тўлқини кемани Сехргар оролига олиб кетади. Кемада қолган болалар ажойиб саргузаштларни бошдан кечиришади. Е. Рисснинг «СЕҲРГАР ОРОЛ» повести асосида яратилган бу фильм шимолда истқомат қилувчи кишилар меҳнати, ҳаёти ҳамда Данил, Валя ва бошқа болаларнинг қизиқ саргузашти ҳақида ҳикоя қилади. Фильм Мурманск яқинидаги Владимир портида суратга олинган.

«ДЕНГИЗ ҚАНДАЙ ЭКАН?» фильмида олти ёшлик Сашукнинг бошидан кечирганлари, унинг денгиздаги балиқчилар бригадаси билан қилган ишларини кўрасиз. Фильмда мактаб ўқувчилари Андрей Бухаров, Таня Антипинова ва машҳур киноартистлар Николай Крючков, Василий Шукшин, Станислав Любшин ҳамда Светлана Дружининалар иштирок этишган.

«БОКСЧИ ва ЎЛИМ» фильми Чехословакиянинг Братислава бадиий фильмлар киностудияси маҳсулоти бўлиб, Юзеф Ген романи асосида яратилган. Фильм марказида фашистлар концлагерининг коменданти Вальтер Крафт ва маҳбус Ян Коминек образлари туради. Буларнинг ҳар иккиси урушдан аввал боксчи бўлганлар. Лагер коменданти Крафт маҳбуслар ичида боксчи борлигини билиб ў билан тез-тез учрашув ўтказиб туради. Булар ўртасидаги кураш спорт кураши бўлмай, балки маънавий кураш эди... Ниҳоят Коминек ғолиб чиқади.

И. ИСЛОМОВ.

Халқаро аҳвол

ПРЕЗИДЕНТ НОСИРНИНГ СССРГА ҚИЛГАН САФАРИ ТЎҒРИСИДА ҚОҲИРА МАТБУОТИНИНГ ФИКРИ

ҚОҲИРА, 2 сентябрь. (ТАСС). Қоҳира газеталари Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисидаги қўшма ахборот текстини бугунги сонларида биринчи саҳифаларда йирик сарлавҳалар остида босиб чиқардилар. Президент Носирнинг Совет Иттифоқига қилган расмий визити тўғрисидаги ва ҳурматли меҳмон Москвадан Белградга узатиб қолинганлиги тўғрисидаги хабарлар ҳам босиб чиқарилди.

Газеталар ўз шарҳларида Совет Иттифоқи билан Миср ўртасидаги дўстона муносабатларга юксак баҳо берадилар, президент Носирнинг Совет Иттифоқига қилган сафари ва Совет пойтахтида Бирлашган Араб Республикасининг президенти саммий кутиб олинганлигига катта эътибор берадилар.

«Алахбор» газетаси ёзади: «Совет-Миср дўстлиги ҳамма томонидан қабул қилинган традицион дипломатик нормаларгагина асосланиб қолмайди. Бу дўстлик империализмга қарши, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун, мамлакат экономикасининг социализм йўлидан ривожланиб борини ва халқимизнинг равнақи учун курашда оғир синовларга бардош берди», президент Носирнинг Москвада олиб борган музокаралари, деб ёзади яна газета, муваффақиятли ўтди. Бу музокараларда бир қанча халқаро проблемалар муҳокама қилинди. Музокаралар Совет-Миср муносабатларини янада кенгайтириш ва кучайтиришга ёрдам берди.

«Алжумҳурия» газетаси Совет-Миср қўшма ахборотига бағишланган мақоласида бу ҳужжат тинчликни ва халқлар ўртасида тинч-тотув яшашни мустаҳкамлаш учун тарихий аҳамиятга эга, деб ёзади.

ВДР Бош министри қабул маросими ўтказди

ХАНОЙ, 2 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 20 йиллиги муносабати билан Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри Фам Ван Донг неча қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида, деб хабар беради Вьетнам информация агентлиги, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти Хо Ши Мин, Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг биринчи секретари Ле Зуан, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь, республика партия ва ҳукуматининг раҳбарлари, Вьетнам Ватан фронти, жамоат ташкилотларининг ваниллари, қардош социалистик мамлакатларнинг ваниллари, маҳаллий ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри Фам Ван Донг вьетнам халқининг революцион ишини қўллаб-қувватлаётганликлари ва мадад берётганликлари учун Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети, республика ҳукумати ва халқи номидан қардош социалистик мамлакатларнинг халқларига ва Вьетнамнинг чет эллардаги барча дўстларига ташаккур изҳор қилди. Фам Ван Донг айтдики, Вьетнам халқи империализмга қарши, янги ва эски мустамлакачиликка қарши қатъий кураш олиб борими учун бутун дунё халқлари билан янада маҳкам жипслашишни, бутун дунёда тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт ишига янада катта ҳисса қўшишни истайди.

Бош министр вьетнам халқи Америка империализмига қарши, Ватанни тинч йўл билан бирлаштириш учун курашда узил-кесил ғалаба қозонишга қатъий қарор берганлигини айтди.

Ҳиндистонда хирургия асбоблари заводи ишга туширилди

ДЕҲЛИ, 2 сентябрь. ТАСС мухбири О. ПЛЕШОВ хабар беради:

Ҳиндистонда медицина асбоб ва ускуналарини ишлаб чиқариш учун кенг истиқболлар очилди.

Мадрас яқинидаги Нандапаккам деган жойда хирургия асбоблари ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. Бу завод Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилди.

Завод 166 хил медицина асбоблари ишлаб чиқаради. Бу эса, мамлакатнинг ана шу медицина асбоблари импорт қилиш учун чет эл валютасини анча кам сарфлашига имконият туғдиради. Завод маҳсулоти мамлакатдаги госпиталларни, касалхона ва клиникаларни хилма-хил намчил асбоб-ускуна билан ҳам таъминлайди.

Нефть ва химия хом ашёси министрлигида давлат министри О. В. Алагесан заводни очиш маросимида нутқ сўзлаб, бундай деди: Ҳиндистон учун муҳим бўлган ана шу корхона қурилишида Совет Иттифоқининг иштироки «Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намунасидир». О. В. Алагесан бегараз ёрдами учун Ҳиндистон ҳукумати номидан СССР ҳукуматига ташаккур изҳор қилди. Алагесан аъло ишлаганликлари учун Совет инженерлари, техникларни ва ишчиларига ҳам ташаккур билдирди. Уларнинг бу иши, деди у, заводни белгиланган муддатда ишга тушириш имконини берди.

Хирургия асбоблари заводи ишга туширилиши муносабати билан бу заводни қуришда қатнашган коллектив Ҳиндистон президенти С. Радҳакришнандан, Бош министр Л. Б. Шастридан, Ҳиндистон соғлиқни сақлаш давлат министри С. Наярдан, шунингдек бошқа кишилардан табрикномалар олди.

СТРАТЕГИК АВИАЦИЯ ПАРТИЗАНЛАРГА ҚАРШИ ҲУЖУМ ҚИЛДИ

ПАРИЖ, 2 сентябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Жанубий Вьетнамдан хабар беради: Американинг Гуамда жойлашган «Б-52» типидаги стратегик бомбардимончи самолётлари кейинги саккиз кун ичида Жанубий Вьетнам озодлик армияси контрол қилиб турган районларга етти марта ҳужум қилди. Бомбардимончи самолётлар Сайгондан 30 километр наридаги жойларга бомба ташладилар.

ПОЛИЦИЯЧИЛАРНИНГ УЗБОШИМЧАЛИГИ

ГАВАНА, 2 сентябрь. (ТАСС). Перу полицияси Перу Коммунистик партиясининг органи «Унидад» газетаси биносига ҳужум қилди. Франса Латина агентлиги мухбирининг Лимадан хабар беришича, полициячилар редакцияда тинтув ўтказганлар, газетанинг бутун тиражини мусодара қилганлар ва унинг редактори Феликс Арриаги қамоққа олганлар.

«Унидад» газетаси яқинда мамлакатда репрессияни кучайтириб юборган президент Белаунде Терри ҳукуматини кескин танқид қилган эди.

29 ёшли буви

Италиялик Марианна ди Грегорио 29 ёшида буви бўлиб қолди. Унинг 14 яшар қизи яқинда фарзанд кўрди. Марианнанинг ўзи ҳам 13 ёшида турмушга чиққан эди. Марианна ди Грегорио Италиядаги бувиларнинг энг кенжатойидир.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПРАГА. Бу ерда 31 августда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб, бир қанча масалаларни муҳокама қилди. Пленум партиянинг навбатдаги XIII съездини 1966 йил 24 майда чақиришга қарор қилди. Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди: Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисоботи ва партиянинг шундан кейинги вазифалари — ўртоқ Антонин Новотний доклади; Марказий контроль-ревизия комиссиясининг ҳисоботи — ўртоқ Павел Грон доклади; докладларни муҳокама қилиш; Чехословакия Коммунистик партияси XIII съездининг қарорларини қабул қилиш; партия Марказий Комитетини ва Марказий контроль-ревизия комиссиясини сайлаш.

АҲОЛИНИНГ БЕШДАН БИР ҚИСМИ ЎҚИМОҚДА

БУДАПЕШТ, 1 сентябрда республиканинг ёш гражданлари ўқиган саккиз йиллик ва ўрта мактабларнинг ўқувчилари Венгриядаги 7 минг мактабда машғулот бошладилар. Янги ўқув йилида саккиз йиллик мактаблар, гимназиялар ва техникумларнинг ўқувчиларидан 1 миллион 600 мингдан кўпроқ ўқувчи парталарга ўтиришди. Олий ўқув юртларининг (бу ўқув юртларида ўқиш йили сентябрь ойининг ўрталарида бошланади) 90 мингга яқин студентини ҳамда неча ўн мингдан сиртдан ўқувчи ва кечки ўқувчиларни ана шу рақамга қўшсак, у вақтда Венгрияда мамлакат аҳолисининг бешдан бир қисми ўқиётган бўлади.

Республиканинг кўпгина шаҳарлари ва қишлоқларида дарслар янги мактаб биноларида бошланди.

ЯНГИ КОРХОНА

БУХАРЕСТ. Копша-Микэдаги рангли металлургия комбинатида ишга туширилган янги фабрика йилига юз минг тонна олтин гугурт кислотаси ишлаб чиқаради. Яқинда шу комбинатда рух ва қўрғошин концентратларини қиздирадиган завод фойдаланишга топширилган. Янги корхоналарнинг цехлари ҳаво алмаштириб турадиган установкалар билан таъминланган. Бу ерда ишлаб чиқариш процесслари автоматлаштирилган.

КОРЕЯ ДЕМОКРАТИК ХОТИН-ҚИЗЛАР СОЮЗИНИНГ СЪЕЗДИ

ПХЕНЬЯН. Бу ерда Корея Демократик хотин-қизлар союзининг учинчи съезди бўлаётир. Съездни очишда республика партия ва ҳукуматининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Съезд союз ишининг якунлари, союз уставини ўзгартириш ҳақидаги масалаларни муҳокама қилади ва союзнинг раҳбар органларини сайлайди.

ХИТОЙДА БИРИНЧИ ВИНИЛОН ЗАВОДИ

ПЕКИН. Хитойда винилон синтетик тола ишлаб чиқарадиган биринчи завод ишга туширилди.

Тугалланган ишлаб чиқариш циклига эга бўлган бу завод икки асосий цехдан—поливинил спирт цехи ва биринчи цех маҳсулотидан тайёр калава ишлаб чиқарадиган йигирув цехидан иборат. (ТАСС).

ЎСИМЛИКЛАРДАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Совет олими, биология фанлари доктори Г. С. Ильин ўсимликларнинг ҳаёт фаолиятида алкалоидларнинг роли тўғрисида дадил гипотезани айтди. Ўсимликларда ҳосил бўлаётган мана шу мураккаб органик бирикмаларни кейинги вақтларгача кўп олимлар моддалар айирбошланишининг «чиқитлари» деб ҳисоблаб келмонда эдилар.

Г. С. Ильин ТАСС мухбирига айтдики, СССР Фанлар Академиясининг биохимия институтида ўтказилган тажрибалар ҳамма қабул қилган бу фикр нотўғри эканлигини кўрсатди. Институт ходимлари алкалоидлар ўсимликлар ҳаёти фаолиятининг актив қатнашчилари эканлигини никотин мисолида кўрсатиб бердилар. Бу модданинг ҳужайра ичида босиб ўтган йўлини кузатиб турмоқ учун тамаки поясига радиийактив никотин дозалари юборилди. Тамакининг пишиб етилган уруғлиқлари анализ қилинганида бу уруғликларда «нишонли» алкалоид борлиги маълум бўлди. Бу алкалоид оқсил моддаларида тўпланган берган. Шу тариқа алкалоид — никотиннинг ўсимликнинг ривожланишидаги роли амалий равишда биринчи марта исбот қилинди.

Алкалоидлар биохимияси ва физиологиясига бағишланган, яқинда Галледа (Германия Демократик Республикаси) ўтказилган учинчи халқаро симпозиумда совет олимларининг янги тадқиқотлари тўғрисида ахборот берилди. Бу ахборотлар ҳаммани қоят қизиқтирди.

Янги дори-дармонлар қидирилаётганлиги муносабати билан кейинги вақтларда алкалоидларга кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди. Алкалоидларнинг жонли ҳужайра билан бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиш механизмини билиб олиш медицина препаратининг йўлини — ўсимликдан тайёр таблеткагача бўлган йўлни қисқартиради. (ТАСС).



...Чилонзордаги савдо маркази шу кунларда ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда ташкил қилинган виставкадан Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмаси тайёрлаган эркаклар костюмларини харид қилиш мумкин. Виставкада жундан тўқилган ва лавсанли материаллардан тикилган янги моделдаги 13 хил костюм бор. Суратда: савдо марказида.

А. Мальцев фотоси.

КЕКСАЛАР ИЗЗАТДА

Ўзбекистон социал-таъминот министрлигига қарашли республика пансионати Товоксой қишлоғининг гўзал ва баҳаво ерига жойлашган. Пансионат узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради. Кексаларнинг севимли дам оладиган жойига айланган бу даргоҳ ишга тушганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо бу ернинг ажойиб ҳавоси, озода, кенг ва ёруғ хоналари кишиларга ёқиб қолди. Дам олувчилар зерикиш нималигини билишмайди бу ерда. Янги газета-журналлар ўқишади, фильмлар томоша қилишади, радиоузелдан бериладиган дилрабо қўшиқни тинглашади.

Пансионатда дам олувчилар учун тажрибали ошпазлар Р. Маркова ва М. Киреевалар лаззатли таомлар тайёрлайди.

Кексалар бу ерда фақат дам олибгина қолмай, пансионатнинг хўжалик ва маданий ишларида актив қатнашадилар. Масалан, август ойи ичида дам олувчилар ёрдами билан шу ердаги боғдан 15 тоннага яқин олма, ўрик, олхўри, шафтоли териб олинди. Бу хўл меваларнинг ортиқча қисми Бўстонлиқ консерва заводига топширилди, колганлари эса ишга ғамлаб қўйилди.

Дам олувчилар орасида пойтахт Ленин районн пенсионерлари бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ҳам бор. Улар бир неча концертлар ташкил қилиб, ҳаммани ҳушнуд этишди.

Бу ерда дам олганлар яхши ҳордиқ чиқариб, бардам бўлиб қайтмоқдалар. Улар ўзларига кўрсатилаётган катта ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимиздан бениҳоя миннатдорлар.

И. СТРУНЕЦ,
шахсий пенсионер.

ДУГОНАЛАР

ЛАВҲА

Айвон томига туташиб кетган ток барларининг олачалпак соя-ларини босиб келаётган атлас кўйлакли қиз остонада тўхтаб қолди.

— Зуҳра-ю!

У жавоб кутиб, қулоқ солиб турди.

— Ҳу-уа!

Атлас кўйлакли қиз Зуҳранинг таниш овозини эшитиб, юраги жиз этиб кетди. Неча ойдан бери кўришгимади ахир! Қиз айвонга чиқиши билан ён томондаги уй эшиги очилиб, остонада Зуҳра кўринди. У ўз кўзига ишонмагандай бир лаҳза киприкларини пирпиратиб турди-да, янгроқ овозда қичқириб юборди.

— Нури!

Дугоналар бир-бирининг қучоғига отилди.

...Зуҳра меҳмонга жой солар-кан, гина қилди.

— Жаям наманганлик бўлиб кетиб-а?.. Ўртоқжонлигинг бошқа шаҳарга кетгунча экан-да!

— Кўрмайсанми, ўртоқжон, Наманган қасқда-ю, Тошкент қаёқда! Заводдагилар юришибди-ми? Зина опа тузикми?

— Ҳаммаси яхши! Кун ора сени эслашади. Қўзибоева бизларни унутиб юборди, дейишади.

Зуҳра ҳам, Нури ҳам жимиб қолишди. Нури заводдаги дугоналарини бирма-бир кўз олдига келтирди. Хушчақчақ қиз-жувонлар, бирғалашиб боғларни сайр этишгани... Кейин, янги шаҳар, янги оила, келинлик кунлари... Ҳамма нарсанинг қадри узоқлашиб кетганингдан кейин билинаркан. У сирдош дугоналарини, хайқириқ билан тўлиб-тошган цехини қаттиқ соғинганини чуқур ҳис этди.

Зуҳра бўлса заводга илк бор қадам қўйган кунларини ўйлади. Аттестатнигга «Етуклик» деб катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйишса ҳам барибир мактабни битирганингда етук одам бўлолмас экансан. Зуҳра аттестат олган кунидек шуни ўйлаган эди. Институтга ҳужжат топширишга, тўқриси, юраги бетламади. «Тўртбеш йиллаб ишлаб қўйганлар ўқисин аввал!».

Худди шу кунларда Нури унга ўйлаб кўрсатиб берди: у бир йилдан бери Октябрь революцияси комидаги тепловоз-вагон ремонти заводида ишларди.

— Эртага биринчи сменада ишлайман. Тушга яқин борсанг, пропуск тайёрлаб қўйишади. Зуҳра Ходиматова бўламан деб кириб кетаверасан. Электр машиналари цехи десанг топиб беришади!

Зуҳра завод ҳовлисига кирди-ю, боши айланиб қолди. У завод сатҳини шунчалик каттa деб ўйламасди. Ҳаммаёқ гавжум, хайқириқ... Енгинасидан ер титратиб тепловоз ўтиб кетди.

Зуҳра цехга кириб келганида ўзини босиб олган эди. Кўзлари билан Нурини қидира бошлади. Гополмади. Шу пайт ёнгина жувон унинг билагидан тутди.

— Четроқ чиқинг, синглим.

Зуҳра бошини кўтариб қарадию, сесканиб кетди. Шундоқгина устида ўйғон илгакларга илинган каттакон машина (бу — генератор эканини Зуҳра кейинроқ билиб олди) лопиллаб турарди. Қиз чўчиб, ўзини четга олди.

Баланд шифтдан қуёнок қаҳқаҳа янгради. Зуҳра тағин бошини кўтариб қаради. Шифтга тегай-тегай деб турган кран кабинасидан бошини чиқариб турган Нурини кўрди.

— Ҳув анави ерда нарвон бор! — деди Нури цехнинг этажига имо қилиб.

Зуҳра қора мой теккан темир нарвондан чиқиб, дугонасининг ёнига ўтириб олди. Кран яна бир силтаниб, генераторни «чангаллаганча» цехнинг нариги бошига сурилиб кетди. Зуҳра пастга қарар, назарида, ўзи борган сайин баланд кўтарилиб кетаётгандай бўларди.

— Бу — кўприк крани, дейлади. — Нури илгаклар учидаги генератордан кўз узмай бораркан, «ҳижжалагандай» тушунтира бошлади. — Ўн беш тонна юк кўтаради. Машиналарни цехнинг бир бурчагидан иккинчисига шунда олиб борилади. Жуда эҳтиёт бўлмасанг, ёнгина тузатилган қисмларни бузиб қўйиш ҳеч гапмас.

Кечқурун Нури Зуҳрани устози билан таништириб қўйди. Бол унинг билагидан тутиб, четга чиқариб қўйган жувон — Зина Бедерева ҳам кранчи экан.

...Ўшандан бери роппа-роса уч йил ўтди. Зуҳра ўз касбининг сирларини яхши ўрганиб олди. Нури бўлса, бир ярим йилдан кейин турмушга чиқиб, Наманганга кетиб қолди...

— Ҳаммаёқ ўзгариб кетгандир-а!

Зуҳра чўчиб бошини кўтарди. Нури совуб қолган чойга тикилиб ўтирар, цехдошларини соғинганги шундоққина билиниб турарди.

— Жудаям! Заводни гулзор қилиб юбордик. Узумларимиз пишди. Маша Битюкова билан Рая Олейникова қишга кирмоқчи бўлиб юришибди...

Нури индамай тинглар, Зуҳра бўлса қувона-қувона янгиликларни тўкиб солади.

— Кеча цех бўйича етти ойлик планни анча ошириб бажарганимизни айтишди. Цехга ҳам коммунистик меҳнат цехи номини бериб қолишса керак.

— Менга қара, — Нури энди ёдига тушгандай Зуҳрани тутди. — Хурсан холам қаёқдалар?

— Вой, эсим қурсин! Сен сўрамабсан, мен айтмабман. Ўйимлар ҳам заводда ишлаяпти, дизель цехида!

Зуҳра «кўрдингми» дегандай бетубор жилмайди. Кейин дилидагини айтиб қўя қолди:

— Сен бўлсанг, ойим келин бўлиб, уйда ўтирибсан. Нима, Наманганда завод-фабрика йўқми?

— Бор! — Нури хўрсинди. — Кўпчиликкга ўрганган одам чидолмас экан. Албатта ишлайман. Ўйдагилар билан гаплашиб кўйганман...

Дугоналар узоқ чақчақлашиб ўтиришди. Кексалар ўтмишини, ишлар келажагини ўйлайди дегандек, Зуҳра политехника институтига кирмоқчи эканини, Нури бўлса, Наманганга борган ҳафтасиёқ ишга киришини айтди.

У. ҲОШИМОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Пашша** (мультфильм), 17.15 — **Телевизион янгиликлар**, 17.30 — **Сифон № 1122** (кинофильм), 17.50 — **Реклама ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.15 — **Асрлар оша** (телефильм), 18.35 — **Ойнадан ўпкалама.**

Рус тилида: 19.15 — **Москва концерт залларида**, 19.55 — **Чет эл кинохроникаси**, 20.05 — **Нельсон Феррас куйлайди**, 20.25 — **Кўйди-чиқди бўлмайди** (бадиий фильм).

22.00 — **Эртага телевизор экранида.**

Ўзбек тилида: 22.05 **Муҳаббат ва инсоний қалб нуйчиси** (Собир Абдулла туғилган кунининг 60 йиллиги олдидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/IX да **Ишқинг билан.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 4, 5/IX кеч соат 8 яримда Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.** Солистлардан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмоилова, Жуманиёз Собиров** ва бошқалар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ ПАРКИДА — 4, 5/IX да **Тошкентдаги X традицион Дўстлик карнавали.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари — «ИСКРА» (кеч соат 8 дан).

Бўлажак кўча — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11-40, кундуз 1 ярим, 3-20 минут ва 5 да).

Марш! Марш! Тра-та-та! — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 6-40 ва 9-50 минутда).

Бизнинг дунёнинг тугаши — «ИСКРА» (кеч соат 7 да), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7 ва 9 яримда).

Бизнинг дунёнинг тугаши — «ИСКРА» (кеч соат 7 да), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7 ва 9 яримда).

Тракторчилар (эрталаб соат 10 да). **Бой ила хизматчи** (кеч 8-20 минутда) — НАВОИЙ номли.

Улуғ Ватан Уруши — «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Запас ўйинчи «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 9-45 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

Кеч соат 8 яримда бошланади **Бир марта картошка, икки марта картошка** — «ФЕСТИВАЛЬ», «ВАТАН».

Алло, номерда янглишибсиз! — КАФАНОВ номли.

Бўлажак кўча — ТЕЛЬМАН номли НАВОИЙ номли.

Ракеталар отилмасин — «1 МАЙ».

Чўнкан меманинг сири — «УДАРНИК».

Чангда қолган гул — ПУШКИН номли.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

Тошкент шаҳрининг: «Еш гвардия», «Чайка», «Ўзбекистон», «Восток». Собир Раҳимов номли, Навоий номли кинотеатрларида 7 сентябрдаги

Вьетнам Демократик Республикасининг 20 йиллигига бағишланган

БАДИИЙ ВА ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ КИНОФИЛЬМЛАР

Фестивалини

ўтказади.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«Жунгли ўт ичида», «Икки солдат», «Ҳалок бўлганнинг совғаси», «Бир дарё бўйида», «Жанубий соҳил аёли», «Оқ тутун», «Кичик хотин».

ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«Вьетнам — менинг юртим», «Вьетнам ватанпарварлари, биз сиз билан», «Вьетнамга тинчлик», «Вьетнам курашади — Вьетнам енгади».

«Узбекгидроэнергострой» автотранспорт конторасининг «Чарвакгэсстрой» ҳузуридаги

АВТОБАЗАСИГА

дизель автомобилларини ҳайдовчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай асосида бўлиб, 15 процент миқдорида қўшимча ҳақ туланади.

Елгиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Бурчмулла посёлкасида автобазага мурожаат қилинсин.

1966 йил учун газета ва журналларга обуна қабул қилинмоқда

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"НИ ЎҚИНГ

ХАБАР ВА МАҚОЛАЛАРИНГИЗ БИЛАН ҚАТНАШИНГ

Газетага обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида почтальонлар, фабрика, заводлар, қурилишлар, муассасалар, олий ўқув юртлари, шунингдек колхоз ва совхозлардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

ГАЗЕТАГА ТЕЗРОҚ ОБУНА БЎЛИНГ.

ОБУНА БАҲОСИ: 12 ойга — 5 сўм 28 тийин, 6 ойга — 2 сўм 64 тийин, 3 ойга 1 сўм 32 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 2 бўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 10094 Индекс 64969. Нашр № 1840